



## АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАР ИШТИРОКИДАГИ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ

Хўжаев Юнусхўжа Мустафохўжа ўғли

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши  
хузуридаги Судьялар олий мактаби  
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7540288>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 14<sup>th</sup> January 2023

Online: 16<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Айрим тоифадаги ходимлар,  
низо, меҳнат низоси, норма,  
давлат фуқаролик хизмати,  
давлат махсус хизмати.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада айрим тоифадаги ходимлар тушунчаси, меҳнат низолари тушунчаси, айрим тоифадаги ходимлар иштирокидаги меҳнат низоларининг кўринишлари ва таснифланиши, давлат махсус хизмати ходимлари, уларнинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хулосалар келтириб ўтилган.*

Бугунги кунда мамлакатимизда **“Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун”** тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг сифатини янада ошириш инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқ. Бу эса ўз навбатида улар ўртасида меҳнат соҳасида юзага келаётган турли муносабатларнинг такомиллашувига ҳам туртки бўлди.

Бизга яхши маълумки, инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб халқаро нормалар амал қилади. Улар орасида меҳнат ҳуқуқи ҳимояси соҳасидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти стандартлари ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тавсиялари муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, ўз ўрнида меҳнат қонунчилиги соҳасига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам амалдаги қонунчиликка ратификация қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 14-моддасида меҳнатга оид муносабатларининг субъектлари “белгиланган ёшга етган (77-модда) ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар” [1] деб кўрсатилган. Шу ўринда айрим тоифадаги ходимлар ҳам меҳнат ҳуқуқи субъектлари қаторидан жой олган. Ўз-ўзидан савол туғиладики, айрим тоифадаги ходимлар кимлар? Шу ҳақда тўхталиб ўтсак.

Биринчи навбатда, айрим тоифадаги ходимлар тўғрисида ҳуқуқшунос олим А.Жумағулов билдирган фикрга назар ташласак. Унинг фикрича, айрим тоифадаги ходимлар тушунчасига таъриф берилмаган ва бу тоифага кимлар кириши мумкинлиги кўрсатилмаган. Шунингдек, унинг таъкидлашича, айрим тоифадаги ходимлар атамаси



ўрнига алоҳида тоифадаги ходимлар атамасини қўллаш мантиқан тўғри бўлади. [2. – Б. 126]

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим Б.Ярашев ўзининг диссертация ишида прокуратура, божхона, солиқ, темир йўл ходимларини мисол келтириб, уларга нисбатан “баъзи тоифа шахслар” иборасини қўллаганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. [3. –Б. 97]

Ҳуқуқшунос олим Б.Ярашев прокуратура, божхона, солиқ, темир йўл ходимларига нисбатан “баъзи тоифа ходимлар” иборасини қўллаш орқали ҳуқуқшунос олим А.Жумағуловнинг айрим тоифадаги ходимларни “алоҳида тоифадаги ходимлар” деб номлаш борасида билдирган фикрини маъқулламайди.

Агарда биз юқоридаги олимларнинг фикрларига кўра “айрим”, “баъзи” ва “алоҳида” сўзларининг луғавий маъноларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўзбек тилининг изоҳли луғатларида “айрим” сўзи ўзига мустақил, алоҳида, якка, баъзи, баъзи бир маъноларини англатиши кўрсатилган. “Алоҳида” сўзи эса араб тилидан олинган бўлиб, ажратилган, бўлак ҳолда, бошқалардан ҳоли, айрим, ўзига мустақил, бўлак, ўзига хос, бошқалардан фарқ қиладиган, ажралиб турадиган, бошқача деган маъноларни изоҳлаши белгиланганлигини кўришимиз мумкин. [4. – Б. 58,174] Яъни “айрим” сўзи бутуннинг бир қисмини ташкил қилиб, бутунни инкор этмаган ҳолдаги ўзига хосликларни намоён қилади. “Алоҳидалик” эса мутлақ ўзига хосликни билдириб, бутунни инкор этади. Кўриниб турибдики, ҳуқуқшунос олим Б.Ярашев ҳам юқорида билдирган “баъзи тоифа ходимлар” иборасини қўллаш орқали ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи ходимларни айрим тоифадаги ходимлар деб номлашга қарши эмас.

Бизнинг фикримизга кўра, ходимларнинг ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб турувчи қисмини айрим тоифадаги ходимлар деб номлаш тўғри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 18-моддаси “Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг хусусиятлари” деб номланган бўлсада, айнан қайси қатлам ушбу тоифага киритилишига аниқлик киритилмаган.

Бироқ, кўплаб давлатлар қонун чиқарувчилари томонидан айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб, айрим тоифадаги ходимлар аниқ санаб ўтилган.

Хусусан, Тожикистон Республикасининг 2016 йил 23 июлда янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексининг 3-бўлими “Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари”га бағишланган. Мазкур бўлимнинг 28-бобида Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндагон мажлиси депутатлари, судьялар, давлат хизматчилари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, дипломатлар, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларининг бошқа ходимлари меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари белгиланган. [5. – С.359]

Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 23 ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексининг “Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари” деб номланувчи 12-бобида фуқаролик хизмати (139-модда); давлат хизматчилари, Парламент ва маслиҳат депутатлари, Қозоғистон Республикаси



судьялари (143-модда); ҳарбий хизматда турган шахслар, махсус давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари (144-модда) меҳнатини тартибга солиш ушбу хизматлар ҳақидаги қонунларда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мазкур кодекс билан тартибга солиниши мустаҳкамланган. [6.-С.66,71]

Қирғизистон Республикасининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган Меҳнат кодексининг 8-бўлими “Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари” деб номланган. Мазкур бўлимнинг 36-боби Қирғизистон Республикаси дипломатик хизмати ходимлари меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини белгиланган. Шунингдек, мазкур Кодекснинг 39-боби (Бошқа айрим тоифадаги ходимлар) 395-моддаси “Қуролли Кучлар ташкилотларида ва ҳарбий хизмат назарда тутилган ижро ҳоқимияти органларида ишловчи шахслар меҳнатини тартибга солиш” деб номланган. [7]

Кўриниб турибдики, кўшни мамлакатлар қонунчилик тизимида айрим тоифадаги ходимлар категориялари аниқ белгилаб қўйилган.

Айрим тоифадаги ходимларнинг турлари кўп бўлиб, давлат хизмати фаолияти билан шуғулланадиган ходимлар ҳам шулар қаторидадир. **Бугунги кунда** мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти сифатини янада оширишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, “бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Ўйлайманки, бунинг учун “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”. [8. - Б.88-90]

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яхлит кўринишда тартибга солиш давлат бошқарувини ташкил этишнинг муҳим масалаларидан бири этиб белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”ни амалга оширишга оид Давлат дастурида [9] 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилиб, лойиҳада давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, моддий ва ижтимоий таъминоти, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан бўшаш тартиби белгиланиши қайд этилган. Ушбу қонун қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси



Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли фармони қабул қилинди.[10]

Мазкур Фармонда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат давлатнинг махсус хизмати ҳисобланиши белгиланди.

2022 йил 8 августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида “қонуннинг амал қилиши ...прокуратура, ички ишлар, мудофа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг, шу жумладан ҳарбий хизматчиларинг фаолиятига татбиқ этилмаслиги” белгиланган.[11]

Давлат фуқаролик хизмати тушунчаси ҳарбий ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита шуғулланмайдиган давлат бошқарувини таъминлайдиган давлат хизматини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, прокуратура, ички ишлар, мудофа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар давлатнинг махсус хизмати ходимлари ҳисобланиб, айрим тоифадаги ходимлар сирасига киритилган. Улар иштирокидаги низолар судлар томонидан тааллуқлилиқ бўйича кўриб чиқилмоқда. Суд амалиётида кўриб чиқиладиган низолар орасида меҳнат низолари масалаларини ҳал этишда манфаатдор томонларнинг ҳуқуқлари тўла таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат низосига янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида аниқ таъриф бериб ўтилган. Унга кўра “меҳнат низоси деганда, иш берувчи ва ходим ўртасида ёхуд ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчилиқни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш масалалари бўйича, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини ўзгартириш масалалари бўйича тартибга солилмаган келишмовчиликлар тушунилади”.[12]

Меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган барча ижтимоий муносабатларнинг тарафлари ўртасидаги меҳнат низолари вақтинчалиқ хусусиятга эга бўлиб, ушбу низолар ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш каби масалалар натижасида юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли нормаларида ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби ифодаланади. Меҳнат қонунчилигининг такомиллашуви натижасида иш берувчилар ва ходимлар ўртасида янгича меҳнат



муносабатларининг вужудга келиши, ўз навбатида янги меҳнат шартларини ўрнатиш ёки ўзгартириш оқибатида янги турдаги низолар ҳам келиб чиқмоқда.

Бугунги кунда амалиётда учраётган меҳнат низоларига тўхталишдан аввал ўз-ўзидан савол туғиладики, аслида низо - нима? Айрим тоифадаги шахслар ўртасида низоларнинг қайси тури кўп учрамоқда? Шулар ҳақда қисқача тўхталиб ўтамиз.

“Низо” атамаси кўп ҳолларда меҳнат юрисдикциясига тааллуқли бўлиб, А.Мадвалиевнинг умумий таҳрири остида чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “низо” сўзи баҳс, тортишув, жанжал, тўқнашув, кураш, ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат, ихтилоф, нифоқ каби маъноларни акс эттиради дея таърифланган.[13]

Юқорида низо тушунчасига аниқ таъриф берилган бўлсада, бироқ меҳнат низоси тушунчасига таъриф бериш борасида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида фикр ва мулоҳазалар турлича эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Хусусан, М.Мамасиддиқов меҳнат низоларини ваколатли органлар томонидан ҳал қилинадиган субъектив меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар деб таъкидлайди.[14. –Б.15]

Айрим ҳуқуқшуносларнинг фикрича, меҳнат низоларига оид ҳуқуқий муносабатлар, бу - ҳуқуқи бузилган деб тахмин қилинаётган шахс билан ана шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган деб гумон этилаётган томон ўртасидаги тортишувлардан иборатдир.[15]

Бизнинг фикримизча, меҳнат низолари бу тарафлар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги сабабли юзага келган ечими кутилаётган муаммоли масаладир.

Меҳнат низоларнинг юз бериши ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ишлаб чиқариш билан боғлиқ сабабларга, қонунчиликда мавжуд бўлган камчилик ҳамда бўшлиқларга боғлиқ бўлади.

Айни пайтда, ходим ва иш берувчи вакили бўлган мансабдор шахслар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий билимлари етарли даражада эмаслиги, улар томонидан ўз меҳнат ҳуқуқларини суистеъмол қилиниши ҳолатлари меҳнат низолари вужудга келишида асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, меҳнат низолари меҳнат шароитларни белгилаш, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли, қонунларни қўллаш, уларни тушуниш-шарҳлаш натижасида, локал меъёрий ҳужжатлар ва меҳнат шартномаси шартларининг талқин қилиниши билан боғлиқ тарзда пайдо бўлиши мумкин.

Ходим ва иш берувчи ўртасидаги зиддият одатда меҳнат шартномаси тарафларининг ўзаро келишуви ёхуд ходимлар вакиллик органи воситачилигида тинч йўл билан (низони кўрувчи махсус органларга мурожаат қилмасдан) ҳал этилади ва бундай ҳолда меҳнат низоси ҳақида сўз юритилмайди. Низолашаётган томонлар ўзаро келишув ва ён беришлар йўли билан низони ҳал эта олмасалар, у ҳолда келишмовчилик меҳнат низосига айланади ва махсус юрисдикциясиз ҳал этиш мумкин бўлмаган ихтилофга айланади.

Ходим ёки иш берувчининг низони ҳал этилишини сўраб ваколатли органга мурожаат қилиши меҳнат низоси юз берганини кўрсатувчи муҳим белги саналади.



Бугунги кунда суд тизимида амалга оширилиб борилаётган ислохотларга қарамасдан, амалиётда меҳнат ҳуқуқи субъектлари иштирокида, айниқса айрим тоифадаги ходимлар иштирокида меҳнат низолари юзага келмоқда. Улар орасида ишга қабул қилишда, меҳнат шартномасини ўзгартиришда, меҳнат шартномасини бекор қилишда, ишга тиклаш масаласида, меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги билан боғлиқ муносабатларда, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашда вужудга келадиган меҳнат низолари аксариятни ташкил этади.

Юқорида меҳнат низоларининг суд амалиётда кузатилаётган кўринишлари ҳақида тўхталиб ўтган бўлсак, уларнинг ўз хусусиятига, предметига ва бошқа белгиларига кўра қуйидагича таснифланишини кўришимиз мумкин:

- 1) Якка ва жамоаларга доир меҳнат низолари;
- 2) Мулкӣ ҳуқуқларга оид ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга тааллуқли меҳнат низолари;
- 3) Даъво тартибидаги ва даъвосиз (ариза асосидаги) меҳнат низолари;
- 4) Меҳнат шартномаси тузишдан аввалги босқичда юз берувчи, якка меҳнат шартнома муносабатлари давом этаётгандаги ва меҳнат муносабатлари барҳам топганидан сўнг юз берувчи меҳнат низолари;
- 5) Меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган, бузилган ҳуқуқларни қайта тиклашни назарда тутувчи, ҳуқуқларни тан олиш билан боғлиқ меҳнат низолари;
- 6) Ходимлар билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат низолари ва ходимлар вакиллик органи билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат низолари ва бошқалар.[16. – Б.237]

Меҳнат низоларнинг таснифланиши уларнинг ҳар қайсига хос жиҳатларни аниқлашга ва меҳнат қонунчилигида уларнинг ҳар бир тури учун назарда тутилган махсус қоидаларни ҳисобга олишга имкон беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юзага келган меҳнат низоларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал этилиши меҳнат муносабатлари субъектларининг меҳнатга оид ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг тикланишига асос бўлади.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг “бизнинг вазифамиз тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгилашиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат” [17. –Б.20] деган фикрларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ислохотларни давом эттириш лозим.

Хусусан, айрим тоифадаги ходимлар категориясини ҳуқуқшунос олимларимиз хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда қиёсий-таҳлилий кўринишда пухта ўрганиб, айнан ривожланган давлатлар қонунчилигида синовдан ўтиб, ўз самарасини бериб бораётган нормаларни мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилиш бўйича асосли таклифлар тақдим этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, прокуратура, ички ишлар, мудофа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлатнинг махсус хизмати ходимлари учун улар билан боғлиқ меҳнат низоларининг судларда адолатли ва



сифатли кўриб ҳал этилишини таъминлайдиган таъсирий кучга эга бўлган юридик ҳуқуқий ҳужжат бўлган Олий суд Пленуми қарорини қабул қилишлари лозим. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлатнинг махсус хизмати ходимлари билан боғлиқ меҳнат низоларининг сифатли кўриб ҳал этиш билан бирга фуқароларнинг ортиқча сарсон саргардон бўлишларини олдини олади ва уларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз.

## References:

1. <https://lex.uz/acts/142859>.
2. А.Жумағулов Корхона раҳбари меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари//Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: ютуқлари ва такомиллаштириш истиқболлари номли республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2016. –Б.126.
3. Б.Ч.Ярашев Меҳнат муносабатларини локал ҳуқуқий тартибга солиш.//юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертация иши. 2022. -Б.97
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: –Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006. 58, 74-бетлар.
5. Трудовой кодекс Республики Таджикистан. – Душанбе: Сифат-Офсет, 2018. 359-с.
6. Трудовой кодекс Республики Казахстан. Алматы: ЮРИСТ, 2019. -С. 66-71.
7. [http://ud.gov.kg/index.php/ru/news/2-uncategorised/108-trudovoj-kodeks\\_kyrgyz-zskoj-respubliki](http://ud.gov.kg/index.php/ru/news/2-uncategorised/108-trudovoj-kodeks_kyrgyz-zskoj-respubliki).
8. Ш.М.Мирзиёев “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”. 2-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 88-90.
9. <https://lex.uz/docs/3516847>.
10. <https://lex.uz/docs/4549998>.
11. <https://lex.uz/docs/6145972>.
12. <https://lex.uz/docs/6257288>
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида
14. (2006-2008)//<https://ziyouz/uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>
15. М.М.Мамасиддиқов Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Юрид.фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун Диссертация. Т.:2002. -Б.15.
16. Й.Турсунов, Ш.Газиев “Меҳнат низолари ва уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий муаммолари”. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009.
17. Huquqshunoslik: darslik / Mualliflar jamoasi.; Mas’ul muharrir yu.f.d., prof. M.X.Rustambayev. – Т. ; O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi HTI, 2018. 237 b.
18. Ш.М.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 20.